

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА БАНК ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ

Алишер ҚАРШИЕВ,

Халқ банки филиали бўлим мудури

Мақолада Халқ банки Самарқанд вилояти ҳудудий филиалида мижозларнинг экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш, уларга кенг қўламдаги сифатли хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилганлиги келтирилган.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш баробарида кўплаб ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиб, илғор техника ва технологиялар билан жиҳозланмоқда, мавжудлари модернизация қилинмоқда. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис, уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ортмоқда. Албатта, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, янги иқтисодий лойиҳаларни ҳаётга жорий қилиш, уларга сифатли молиявий хизмат кўрсатиш банклар фаолиятини замон руҳида такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Халқ банкининг вилоят ҳудудий филиали ходимлари «Банк мижоз учун» тамойилини ўзига дастуриламал қилган ҳолда мижозларга юқори савияда хизмат кўрсатишмоқда. 2014 йил апрель ойига келиб 20 та марказий филиал, 44 та мини банк, 171 та шохобча ҳамда барча турдаги тўловларни қабул қилишга мўлжалланган 32 та махсус ва сайёр кассалар мавжуд бўлиб, 2013 йилнинг июль ойида Темирийўл филиалига қарашли яна бир – «Чакана банк хизматлари» маркази очилди.

Бундан ташқари, вилоят бўйича омонат, кредитларга ҳисобланган захира ва ресурсларга ҳисобланган фоизлар учун 126,7 млн сўм захира маблағлари шакллантирилди.

2014 йил 1 апрель ҳолатига банк фаолиятини ривожлантириш дастурига асосан ўтган уч ой давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун кичик бизнес субъектларини кредитлашга 20,9 млрд сўм жалб этиш режалаштирилган эди, амалда 21,3 млрд сўм ажратилди. Шунингдек, Халқ банки вилоят филиали томонидан ўтган уч ой давомида банкнинг барқарор фаолият юритиши, унинг рақобатбардошлигини ошириш нуктаи назаридан оптимал ҳамда мувозанатлашган кредит портфелини шакллантиришига эришилди.

2014 йил 1 апрель ҳолатига банкнинг кредит қўйилмалари 151,3 млрд сўмни ташкил қилди. Бу кўрсаткич жорий йил 1 январь ҳолатига 129,2 млрд сўм бўлиб, ўтган уч ойда 22,1 млрд сўм, яъни 7,1 фоизга ошди. Жами 151,3 млрд сўм кредит қўйилмаларидан қисқа муддатли кредитлар 14,2 млрд сўмни, узоқ муддатли кредитлар 114,1 млрд сўмни, давлат эҳтиёжлари хариди учун ғалла етиштиришга 13,3 млрд сўмни ҳамда пахта ҳосили етиштириш учун ажратилган кредитлар 9,7 млрд сўмни ташкил қилди.

Ўтган уч ой давомида банк филиаллари томонидан 10,2 млрд сўмлик кредит маблағлари ишлаб чиқаришга, 1,5 млрд сўм ёш оилаларни қўллаб-қувватлашга, 1,8 млрд сўм кам таъминланган оилаларга микрокредитлар, 11,1 млрд сўм таълим кредитлари, 3,1 млрд сўм савдо ва воситачилик фаолияти учун ҳамда 23 млрд сўм деҳқон ва фермер хўжаликларига ғалла ва пахта ҳосили етиштириш учун ажратилди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ажратилаётган имтиёзли кредитлар вилоятда янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар учун 6732 млн сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилиб, 300 та янги иш ўрни яратилди.

Чорвачиликни ташкил этиш, янги чорва моллари сотиб олиш ҳамда аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, шунингдек, тадбиркорликни ривожлантирган ҳолда янги иш ўринлари яратиш дастурига киритилган қуйидаги корхона ва фермер хўжаликларига имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Жумладан, Халқ банки Пайшанба филиали «Пайшанба Дипломат Файз» МЧЖга 50 млн сўм, Жомбой филиали мижози «Саидкул Ибрагимов» фермер хўжалигига 100 млн сўм, Нарпай филиали «Нажим Дамин» фермер хўжалигига 100 млн сўм, Пастдарғом филиали «Зулфиқор барака чорваси» фермер хўжалигига 98 млн сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратди.

Тадбиркорларимиз паррандачилик тармоғи кенгайишига ҳам алоҳида эътибор беришмоқда. Хусусан, парранда гўшти ва тухум етиштиришни мақсад қилиб, фаолият бошлаган банкимизнинг Оқдарё филиали мижози «Оқдарё Гулсумхоним чевари» ХКсига 450 млн сўм, Пастдарғом филиали мижозлари «Темур Мурат Файзи» оилавий корхонасига 15 млн сўм ҳамда «Юзбоев барака чорваси» фермер хўжалигига 100 млн сўм банк кредитлари ажратилди.

Асаларичилик истиқболли тармоқлардан бири ҳисобланади. Шу маънода вилоятда асаларичилик билан шуғулланаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар сони тобора кўпайиб бормоқда ва бунда банк кредитлари ниҳоятда қўл келмоқда. Хусусан, ушбу тармоқда фаолият олиб бораётган «Зубайда Қаҳрамон» фермер хўжалигига Пахтачи филиали томонидан беш млн сўм, «Сарвиноз Фарход даласи» фермер хўжалигига ўн млн сўм ажратилди. Бундан ташқари, балиқчиликни ривожлантириш учун Пайшанба филиали томонидан «Оқ олтин осётра» фермер хўжалигига ўн млн сўм кредит берилди. Балиқчилик ва паррандачиликни ривожлантириш дастурига киритилган барча мижозлар босқичма-босқич банк кредитлари билан таъминланмоқда.

Ҳукуматимизнинг Самарқанд вилоятини 2014–2016 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш комплекс чора-тадбирлари дастурига кўра, тадбиркорларимиз ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Масалан, банкнинг Каттакўрғон шаҳри филиали томонидан «Қўрғон профил дизайн» хусусий корхонасига эшик-ром ишлаб чиқариш учун 350 млн сўм, Пайшанба филиали томонидан «Шамшодбек Ҳамза Рашидович» КТИЧХКга қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун 90 млн сўм банк кредити ажратилди. Бундан ташқари,

хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастури бўйича Иштихон филиали томонидан «Қайирма» МЧЖга 170 млн сўм кредит маблағи ажратилди. Ушбу кредит маблағларидан унумли фойдаланаётган тадбиркорларимиз ўз ишлаб чиқариш қўламларини кенгайтирмоқда.

Маълумки, ҳукуматимиз томонидан Самарқанд вилоятида санацияга тушган корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш бўйича ҳудудий дастур қабул қилинган эди. Дастурга асосан мазкур тоифага киритилган корхона ва фирмаларга кредит маблағлари ажратилмоқда. Жумладан, «Иверест нон» ХКга ускуна ва дастгоҳлар сотиб олиш учун 130 млн сўм, «Рико груп» МЧЖга маиший хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун 495 млн сўм, «Нур гуаш сервис» оилавий корхонасига қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш учун 50 млн сўм ҳамда «Нефрит топаз» МЧЖга маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 300 млн сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Бугунги кунда банкимиз томонидан халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида турли кўринишдаги банк хизматлари кўрсатилмоқда. Аҳолининг пул жўнатмаларини тез ва осон амалга оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб, филиаллар тасарруфидаги 19 та халқаро пул ўтказмалари шохобчалари фаолият юритмоқда.

Экспорт-импорт хизматлари, ташқи савдо шартномалари тузишнинг тўлов шартлари бўйича маслаҳатлар бериш, шунингдек, банк тизимида валюта сиёсатини ривожлантириш, халқаро тўлов тизими доирасини кенгайтириш ва улардан самарали фойдаланиш, аҳоли қўлида бўш турган маблағларни жозибадор ва даромад келтирувчи омонатларга жалб қилиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўтган давр мобайнида 83 та импорт, саккизта экспорт шартномалари амалга оширилди. Ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш учун миждозларга самарали банк хизматлари кўрсатилиб, уларнинг амалга ошираётган барча импорт-экспорт операцияларига амалий жиҳатдан ёрдам берилмоқда.

Хуллас, Халқ банки Самарқанд вилояти ҳудудий филиалида миждозларнинг экспорт-импорт шартномаларини рўйхатга олиш, уларга кенг қўламдаги сифатли хизматлар кўрсатиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилган.